

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Касби тумани

2023 йил 14 ноябрь

Касби туманлараро иқтисодий судининг судьяси Х.Ч.Абраев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар "██████████" масъулияти чекланган жамияти манфаатида, жавобгар "██████████" фермер хўжалигидан 109200 сўм жарима ундириш тўғрисидаги даъво аризасини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан кейин матнда палата деб юритилади) даъвогар "██████████" масъулияти чекланган жамияти (бундан кейин матнда даъвогар деб юритилади) манфаатини кўзлаб, жавобгар "██████████" фермер хўжалиги (бундан кейин матнда жавобгар деб юритилади)дан 109200 сўм жарима ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларида даъвогарнинг даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлари жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи почта хабарномаси (маълумотномаси) мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда – ИПК деб юритилади)нинг 203²-моддаси биринчи қисмига асосан даъвонинг баҳоси юридик шахсга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошмаганлиги ҳамда мазкур кодекснинг 203³-моддаси иккинчи қисмига асосан даъвогарнинг даъво аризасига даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилганлиги ҳақидаги далиллар илова қилинганлиги сабабли мазкур иш соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилди.

ИПК 203⁴-моддаси иккинчи қисмига кўра, жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасининг кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Бироқ, даъво ариза жавобгар вакили томонидан қабул қилиб олинган бўлсада, даъво ариза бўйича ёзма фикр иқтисодий иш соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилгунга қадар судга тақдим этилмаган. ИПК 203⁴-моддаси тўртинчи қисмига кўра, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. ИПК 203⁴-моддаси олтинчи қисмига кўра, соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда даъво аризаси юзасидан ёзма фикрни, далилларни

ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Суд юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, иш ҳужжатлари ўрганиб чиқиб, тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга асосан даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан кейин матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддасида, мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳараатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқиши белгиланган.

ФКнинг 236-моддасида мажбурият мажбурият шартларига мувофиқ, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 465-моддаси, биринчи қисмига кўра контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олиши белгиланган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 08.09.2022 йилда “Ғаллачилик кластери билан фермер хўжалиги ўртасида бошоқли дон харид қилиш бўйича фьючерс” шартномаси тузилган (бундан кейин матнда шартнома деб юритилади). Шартноманинг 1.1-бандига кўра, жавобгар “Хўжалик” 2023 йил ҳосилидан 32 гектар ер майдонидан давлат стандарти бўйича шартноманинг 1.2 ва 1.3-бандларида кўрсатилган маҳсулотни топшириш мажбуриятини, даъвогар-“Тайёрловчи”, жавобгар - “Хўжалик”ни ушбу шартномада белгиланган тартибда бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 1.2 ва 1.3-бандларига кўра, жавобгар - “Хўжалик” даъвогар-“Тайёрловчи”га 116,5 тонна ғалла маҳсулоти топшириш мажбуриятини олган.

Бироқ, жавобгар томонидан ушбу шартномага асосан 116,1 тонна ғалла маҳсулоти етказиб берилиб, 0,4 тонна 1092000 сўмлик ғалла маҳсулоти топширилмасдан қолган.

Шартноманинг 4.1 бандига асосан жавобгар - "Хўжалик" маҳсулотни контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган тақдирда даъвогар- "Тайёрловчи"га топширилмаган маҳсулот қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима тўланиши белгиланган.

ФКнинг 466-моддаси, биринчи қисмига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Ушбу кодекснинг 261-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Даъвогар томонидан шартноманинг 4.1-бандига асосан топширилмаган маҳсулот қийматининг яъни $1092000 \text{ сўм} * 10 \% = 109200 \text{ сўм}$ жарима ҳисобланган.

Ушбу ҳолатда суд, даъвогарнинг жарима ундириш талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

ИПКнинг 118-моддаси, биринчи қисмига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бундай ҳолатда суд, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 109200 сўм жарима, олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати, республика бюджетига 330000 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112-113, 118, 176-180, 186, 203³, 203⁴, 203⁵-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар " ██████████ " фермер хўжалиги ҳисобидан:

Даъвогар " ██████████ " масъулияти чекланган жамияти фойдасига 109200 сўм жарима ҳамда олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати;

Республика бюджетига 330000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

Судья

Х.Ч.Абраев